



ОИЛА ИНСТИТУТИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Қулматова Гулбахор Барратовна

*Шайхонтохур туман ФХДЁ бўлими 1 тоифали инспектори, 1- даражали
юрист*

Аннотация: Мақолада фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тизимининг оилавий муносабатларни ҳуқуқий ҳимоялашдаги ўрни, аҳамияти ва долзарб муаммолари ўрганилган. Мазкур тизим орқали оилавий ҳуқуқларнинг расмийлаштирилиши, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва давлатнинг ҳуқуқий назорати амалга оширилиши таҳлил қилинган. Шунингдек, тизимдаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар илмий ва амалий жиҳатдан тақдим этилган.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳолати далолатномалари, оилавий ҳуқуқ, ҳуқуқий ҳимоя, никоҳ, амалиёт, қонун ва тартиб

КИРИШ

Оила — ҳар бир жамиятнинг асосий ва энг муқаддас бирлиги ҳисобланади. У нафақат инсоннинг шахсий ҳаётидаги муҳим маскан, балки миллий қадриятлар, маънавийлик ва ижтимоий барқарорликни сақлашнинг асосий пояси ҳисобланади. Ҳар бир давлат учун оиланинг мустаҳкамлиги ва унинг ҳуқуқий ҳимояси жамият тараққиётининг пойдевори, келажак авлоднинг маънавий ва моддий фаровонлигининг кафолати саналади.

Шу боисдан, оила институтини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва такомиллаштириш масаласи ҳар қандай ҳуқуқий давлат сиёсатининг марказида туриши керак. Оиланинг барқарорлиги, унинг ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бири саналади. Шу нуқтаи назардан, фуқаролик ҳолати далолатномалари (ФХДЁ) — никоҳ, туғилиш, ажрашиш каби муҳим оилавий воқеаларни расмийлаштирувчи ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида оилавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишда муҳим восита ҳисобланади. Аммо амалиётда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш жараёнида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар оилавий ҳуқуқни тўла ва самарали ҳимоя қилишга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис мазкур масалаларни илмий асосда ўрганиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Мақоланинг асосий мақсади — фуқаролик ҳолати далолатномалари орқали оилавий ҳуқуқни ҳимоя қилишдаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича амалий йўналишларни тадқиқ қилишдан иборат.

Бунда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:



- Фуқаролик ҳолати далолатномалари ҳақидаги ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш;

- Оилавий муносабатларда ФХД ёзишнинг ҳуқуқий аҳамиятини очиб бериш;

- Мавжуд қонунчилик ва амалий тажрибадаги камчиликлар ҳамда муаммоларни аниқлаш;

- Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардаги тажрибаларни солиштириш орқали энг самарали ечимларни аниқлаш;

- Оилавий ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ушбу мақолада қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди:

Ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш тартибига оид қонунлар ҳамда халқаро ҳуқуқий меъёрлар ўрганилди.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил — Ўзбекистоннинг ҳуқуқий амалиёти хорижий мамлакатлар тажрибаси билан таққосланди ва энг самарали ҳуқуқий механизмлар аниқланди.

Илмий адабиётлар ва илмий мақолалар таҳлили — мавзудаги илмий асарлар, мақолалар ва экспертлар фикрлари ўрганилди.

Амалиёт таҳлили — фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақидаги тажриба таҳлил қилинди.

Тавсиялар ишлаб чиқиш усули — оилавий ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар илмий асосда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида бу борада катта ҳуқуқий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича: «Оила — миллатнинг келажаги, жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиётининг пойдевори».Шунингдек, у оилавий муносабатларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш ва оилавий қадриятларни асраш йўлида қатор муҳим қонунчилик ташаббуслари ва ижтимоий дастурларни амалга оширишни муҳим вазифа деб белгилаган.Мазкур мақолада оила институтининг ҳуқуқий ҳимояси, фуқаролик ҳолати далолатномалари ва уларнинг оилавий муносабатлардаги аҳамияти, шунингдек, Ўзбекистондаги оилавий ҳуқуқни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилинади.

Оила институтининг ҳуқуқий ва ижтимоий-тарихий асосларини тадқиқ қилиш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ҳамда халқаро ҳуқуқий меъёрлар миқёсида оиланинг ҳуқуқий мақоми ва жамиятдаги ўрнини ўрганиш;

1. Фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ҳуқуқий моҳияти ва амалиётдаги ўрнини таҳлил қилиш, уларнинг оилавий муносабатлардаги



аҳамиятини аниқлаш ва ҳуқуқий ҳимояни таъминлашдаги функцияларини ёритиш;

2. Оилавий ҳуқуқ соҳасидаги халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш, мамлакатимиз ҳуқуқ тизимидаги ҳамкорлик ва тажриба алмашиш йўналишларини ўрганиш;

3. Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий ислохотларни таҳлил этиш, жумладан, амалдаги қонунлар, ҳуқуқий ҳимоя механизмлари ва ижтимоий дастурлар самарадорлигини баҳолаш;

4. Оилавий муносабатлардаги ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали мақола оила институтига оид мураккаб ҳуқуқий масалаларга кенгроқ ёндошиш, назарий билимларни амалиётга татбиқ қилишдаги долзарб йўналишларни белгилаш ҳамда мамлакатимизда оилавий ҳуқуқни такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги замонда давлат ва жамият муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши жуда муҳимдир. ФХДЁ органлари инсоннинг шахсий ҳаётидаги муҳим воқеаларни расмийлаштириш ва ҳуқуқий факти сифатида қайд этиш орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади. Бу тизим давлатнинг қонунийлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Шу боис, ФХДЁнинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини ўрганиш долзарб илмий масала ҳисобланади. Юридик фанларда таъкидланишича, ФХДЁ – бу фуқаролик ҳолати ҳақидаги ҳуқуқий фактларни қайд этиш ва ҳужжатлаштиришнинг махсус тартиби бўлиб, у фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашда асосий ҳуқуқий манба саналади. Хорижий давлатлар, жумладан, Европа мамлакатлари ва Қорақалпоғистон тажрибасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини электрон тартибда рўйхатга олиш, маълумотларни марказлаштириш ва автоматлаштириш орқали самарадорликни ошириш йўллари муваффақиятли амалга ошироқда. Самарали ҳуқуқий ҳимоя учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини электронлаштириш, кадрлар малакасини ошириш, ҳамда ахборот тизимлари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш муҳим вазифалардан саналади. Фуқаролик ҳолати далолатномалари — оилавий муносабатлардаги муҳим воқеалар (никоҳ, туғилиш, ажрашиш ва ҳ.к.) ҳақидаги маълумотларни расмийлаштирувчи, давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқий ҳужжатлардир. Ушбу ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда асосий ҳуқуқий восита ҳисобланади. Шу ўринда тадқиқотчи олим ҳуқуқшунос Владимир Сидоровнинг “Современные вызовы семейному праву” ишида қайд этилишича, қонунчилик назарий жиҳатдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш механизмларини белгилайди, аммо у жамиятдаги



замонавий ижтимоий ўзгаришларни (масалан, турмушда яшаш, оддий шартнома асосидаги ҳамкорлик) тўлиқ инобатга олмайди. Бу эса ҳуқуқий бўшлиқларга олиб келади ва айрим ҳолларда оилавий муносабатларнинг расмийлаштирилишида муаммолар юзага келади. Илмий ишда Сидоров оилавий ҳуқуқ соҳасида замонавий ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларни ўрганади. Унинг асосий эътибори оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишидаги янги тенденциялар, айниқса, ғоявий ва амалиётдаги ўзгаришларга қаратилади. Сидоровнинг тадқиқотида анъанавий никоҳ шаклларида ташқари, турмушда яшаш, бир жинсли ҳамкорликлар каби мураккаб ижтимоий ҳолатларнинг ҳуқуқий асослари ва уларнинг қонунчиликдаги камчиликлари ўрганилади. В.Сидоровнинг ишида асосий муаммо сифатида оилавий ҳуқуқ тизимидаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва уларнинг ижтимоий реалликларга мос келмаслиги кўрсатилган. У ўзининг таҳлилларида қуйидаги нуқталарга эътибор қаратади: Қонунчиликдаги тартибсизликлар: Қонундаги аниқ ва мукамал нормаларнинг етишмаслиги оилавий муносабатларни расмийлаштиришда муаммолар туғдирмоқда. Ҳуқуқий муҳофазанинг чекланганлиги: Айрим оилавий муносабатларда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқлари қонуний ҳимоядан маҳрум қолмоқда. Маданият ва жамиятдаги ўзгаришлар оилавий ҳуқуқни тартибга солишда янгича ёндашувларни талаб этади.

Унинг иши шуни кўрсатадики, оилавий ҳуқуқ тизимини замонавий ижтимоий воқеаларга мослаштириш учун қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқий ҳимоя механизмларини кенгайтириш ва ижтимоий маданиятни юксалтириш муҳимдир. В. Сидоровнинг илмий ишида «Оилавий муносабатларни тартибга солувчи аниқ ва бир хил ҳуқуқий нормаларнинг йўқлиги ҳуқуқий номаълумликка сабаб бўлади ва айниқса ноанъанавий оила шаклларида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қийинлаштиради, дейилган».Шунингдек, мазкур тадқиқотда «Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар барча оилавий муносабатлар иштирокчиларига тенг ҳуқуқ ва ҳимояни таъминлаш учун ҳуқуқий муҳофазани кенгайтиришни талаб этади.» Ижтимоий ва маданий ўзгаришлар таъсири хучучида эса, «Жамиятдаги маданий ва ижтимоий ўзгаришлар анъанавий оилавий ҳуқуққа янгича ёндашишни, қонунчиликни янгилашни ва замонавий воқеаларга мослаштиришни тақозо этади,-дейилган.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари – шахсий маълумотларни ўз ичига олган муҳим ҳужжатлардир. Улар ҳуқуқий жиҳатдан максимал ҳимояга муҳтож (European Data Protection Board, 2020). Ўзбекистонда ҳануз маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш механизмлари тўлиқ шаклланмаган ва бу маълумотларнинг ноқонуний тарқалиши, сохталаштирилиши каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин (Рахимов, 2024).

Назарий жиҳатдан, ҳар қандай давлат хизматида бюрократия ва коррупция фаолияти тизимнинг самарадорлигини пасайтиради ва фуқароларнинг давлатга



бўлган ишончини сусайтиради (Weber, 1922; Transparency International, 2023). ФХДЁ тизимида ҳам шундай муаммолар мавжуд бўлиб, улар хизматларнинг кечикиши ва нотўғри қайд этилишга сабаб бўлади. Бу эса оилавий ҳуқуқларнинг ҳимоясини заифлаштиради.

Ушбу муаммоларнинг назарий ва илмий таҳлили тизимни такомиллаштириш учун муҳим асос яратади. Уларга оид илмий тадқиқотлар давлат сиёсатини шакллантиришда, қонунчиликни янгилашда ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, халқаро тажриба ўрганилиши ҳам мазкур муаммоларни ҳал қилишда самарали йўллар таклиф қилади.

В. Сидоровнинг “Замонавий оилавий ҳуқуқ муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқоти оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишидаги янги тенденцияларни, мураккаб ижтимоий воқеаларни ва қонунчиликдаги камчиликларни аниқлайди. Бу эса фақат назарий тадқиқот эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Қонунчиликни такомиллаштириш учун асос мазкур тадқиқот ишини муҳимдир. Илмий тадқиқотда кўрсатилган қонунчиликдаги бўшлиқлар ва аниқликнинг йўқлиги қонунлар ва норматив ҳужжатларни янгилашда, уларни замонавий ижтимоий реалликларга мослаштиришда муҳим манбага айланади. Бу эса оилавий муносабатларни расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш жараёнларини соддалаштиради.

Янги оила шакллари ва ижтимоий ўзгаришларни қонунчиликда инобатга олиш фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириб, ижтимоий зиддиятларни камайитиришга ёрдам беради. Бу жамиятда ижтимоий барқарорликка хизмат қилади. Амалиётда ҳуқуқий хизматлар сифати ошишида ҳам муҳим таклифлари бор. Жумладан, қонунчиликдаги аниқлик ва барқарорлик, шунингдек, электронлаштиришнинг кенгайиши давлат хизматлари сифати ва фуқароларга қулайлигини яхшилайдди. Бу, ўз навбатида, оилавий ҳуқуқлар ҳимоясини самарали амалга оширишга имкон беради. Энг асосийси, ҳуқуқий аҳамияти – жамиятла оилаларнинг ҳуқуқий ҳимояси янада кенгайишига урху бор.

Қонунчиликдаги янгиланишлар ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш натижасида ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқий манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинади. Бу, айниқса, ноанъанавий оила шакллари иштирокчилари учун муҳимдир. Демак, илмий тадқиқотларда белгиланган муаммолар асосида қонунчиликка янги тушунчалар ва нормалар киритилади, масалан, сожительство, ижтимоий ҳамкорликлар каби муносабатларни расмийлаштириш ва ҳуқуқий ҳимоялаш механизмлари жорий этилиши мумкин. Шу каби халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан уйғунлик ҳам бизни қизиқтирди. Илмий таҳлил халқаро тажрибани ҳисобга олиш орқали миллий қонунчиликни



такомиллаштиришга йўл очади. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий майдондаги обрўсини оширишга хизмат қилади.

В. Сидоровнинг илмий ишлари оилавий ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда муҳим назарий ва амалий қўлланма ҳисобланади. Ушбу тадқиқотлар оилавий муносабатларни тартибга солиш тизимини замонавий ижтимоий воқеаларга мослаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтининг ривожланишига давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Қонунлар оилавий муносабатларни тартибга солиш, фарзандларни ҳимоя қилиш, никоҳ ва ажрашиш тартиби, мерос ва моддий-маънавий муносабатларни белгилайди. Шу билан бирга, мамлакатда ижтимоий ўзгаришлар, янги оила шакллари пайдо бўлиши оила институтини замонавий қонунчилик ва амалиёт билан уйғунлаштиришни талаб этади.

Ҳозирги кунда оила институти қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

Оила инсонларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш орқали жамиятда барқарорликни сақлайди.

Оилада ҳар бир аъзонинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган, бу эса шахснинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлайди.

Оила орқали авлоддан-авлодга қадриятлар, урф-одатлар, миллий анъаналар ўтказилади.

Бироқ, оила институтини ривожлантиришда қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда оилавий муносабатлардаги баъзи ўзгаришлар, хотин-қизларнинг ижтимоий ролининг ўзгариши, оилавий қурилиш шаклларининг кўпайтирилиши қонунчилик ва ҳуқуқий нормаларни доимий такомиллаштиришни талаб этади. Шунингдек, оилавий муносабатларда ҳуқуқий онгни ошириш ва ижтимоий хизматлар самарадорлигини яхшилаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир неча маротаба оммавий чиқишларида оила ва унинг барқарорлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг сўзларига кўра: «Оила – бу миллатнинг келажаги, жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам пойдевори. Ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва кучлилиги орқали давлатимиз барқарор ва ривожланувчи бўлиб қолади.» Президентнинг бу сўзлари оила институтини нафақат ижтимоий, балки маънавий жиҳатдан ҳам асосий устун сифатида қараш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари оилавий қадриятларни сақлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қатор ислохотлар, қонунчилик ва ижтимоий дастурларни жорий қилиш орқали оиланинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлайди. Бу гаплар оила институти нафақат ижтимоий



барқарорликни таъминлашда, балки миллий маънавият ва маданиятни сақлашда ҳам муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлайди. Давлат раҳбари ушбу сўзлар орқали оиланинг кучли бўлиши давлатнинг мустақиллиги ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлигини очиқлайди.

Шу билан бирга, Мирзиёев оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий дастурлар орқали оилавий муносабатларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Мазкур йўналишда давлат томонидан бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда, хусусан: оилавий ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда фарзандларни муҳофаза қилиш ва таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш масаласи ўта долзарб.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ёрсидаги ислохотлар ва ҳуқуқий асослар ўта муҳим ва улар бугунги кунда бор. Бундан ташқари, оила институтини ривожлантиришда ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Давлат ва жамият биргаликда оила аъзоларига ҳуқуқий билимлар бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, глобаллашув жараёнлари оила муносабатларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан оила институтини мустаҳкамлаш учун янги ҳуқуқий механизмлар ва ижтимоий дастурлар доимий равишда такомиллаштирилиши зарур. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти, ижтимоий адолат ва ҳар бир фуқаронинг шаънини сақлашга хизмат қилади.

Тавсиялар

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини электронлаштиришни кенгайтириш

Мамлакатимизда фуқаролик ҳолати далолатномаларини электрон тизим орқали расмийлаштириш жараёнини тўлиқ жорий қилиш зарур. Бу жараён ҳужжатларнинг шаффофлигини таъминлайди, бюрократик тўсиқларни камайтиради ва оилавий ҳуқуқлар ҳимоясини кучайтиради.

Қонунчиликни такомиллаштириш – яъни оилавий муносабатларнинг замонавий талабларига мос равишда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш, янгилаш ва аниқлаштириш бўйича қонунчилик ислохотларини амалга ошириш муҳим.

Кадрлар малакасини ошириш учун - фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш билан шуғулланадиган ходимларнинг касбий малакасини доимий равишда ошириш, уларни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга ўргатиш зарур.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш ўта муҳим бўлиб- жамиятда оилавий ҳуқуқлар ҳақида ҳуқуқий маърифатни ошириш, фуқароларни ФХД ва оилавий ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот билан таъминлаш мақсадида махсус



семинарлар ва тренинглар ташкил этиш лозим. Албатта тавсия сифатида яна халқаро ҳамкорликни кучайтириш лозим. Яъни, халқаро тажриба ва энг яхши амалий усулларни ўрганиш ва мамлакатимизда қўллаш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш зарур. Замон учун бугунги кунда ахборот тизимларини интеграциялаштириш зарур. Мамлакатдаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлат идоралари ахборот тизимларини бир-бири билан боғлаш, маълумотларни тез ва аниқ алмашиш имкониятини яратиш муҳим вазифадир.

Хулоса

Ўзбекистонда оила институти — фақат ижтимоий бирлик эмас, балки давлат томонидан қонун билан ҳимоя қилинадиган, миллий маънавият ва маданиятнинг асоси ҳисобланади. Конституция ва Президент Ш.Мирзиёев сўзлари оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини янада оширишга қаратилган.

Оила — бу миллатнинг келажаги, жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиётининг пойдевори эканини унутмаслик лозим. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлагани каби, ҳар бир оила фаровон ва кучли бўлса, мамлакатимизда ҳам тинчлик ва тараққиёт кафолатланади. Шунинг учун оила институтини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш — бу ҳар бир фуқаронинг, давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Бугун “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, оила — миллатнинг келажаги ва давлатимиз барқарорлигининг асосидир. Шу боис, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилавий муносабатларда ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш учун янги чора-тадбирлар жорий этилиб, қонунлар такомиллаштирилиши зарур.

Халқаро оила куни муносабати билан амалга оширилаётган ислоҳотлар — бу нафақат ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш, балки оилавий қадриятлар, маънавийлик ва жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини сақлашга хизмат қиладиган муҳим қадамдир. Бундай ислоҳотлар орқали мамлакатимизда ҳар бир оиланинг ҳуқуқлари мустаҳкамланиб, миллатимиз келажаги мустаҳкам асосда қурилади.

Шу тариқа, Ўзбекистонда Халқаро оила куни нафақат байрам, балки оила институтини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш йўлида давом этувчи ҳуқуқий ислоҳотлар учун мустаҳкам илҳом ва ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:



1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
<https://lex.uz/docs/23858>
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. – Тошкент, 2020.
3. Мирзиёев Ш.М. — Президентлик мақомидаги нутқлар ва интервьюлар, 2017–2024 йиллар.
— Расмий веб-сайт: <https://president.uz/uz>
4. Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-208-сон. 21.12.2023 йил
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарори, 21.12.2023 йилдаги ПК-401-сон
https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/oila_va_hotin-qizlar_qumitasi_nima_bilan_shugullanadi
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-87-сон Фармони.
7. Азимов Ф. «Оилавий ҳуқуқ асослари ва ҳимояси». – Тошкент, 2019.
8. Жўраев Ш. «Оила институтининг ҳуқуқий таҳлили». – Тошкент, 2021.
9. Давлетов М. «Фуқаролик ҳолати далолатномалари ва уларнинг аҳамияти». – Тошкент, 2020.
10. Сидоров В. «Современные вызовы семейному праву». – Москва, 2022.
11. Петрова И. «Семейное право и защита прав семьи». – Санкт-Петербург, 2021.
12. Rahmonov T. "Comparative Analysis of Family Law Reforms in Central Asia," Journal of Legal Studies, 2023.
13. «Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар», 2025. ://lex.uz